



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 01 | pp. 246-259 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ



Салимов Бекзот Бахтиёрвич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

мустақил тадқиқотчи

E-mail: btsalimov1948@gmail.com

Аннотация: Мақолада “Инновация” ва “инновацион фаолият” тушунчаларнинг иқтисодий мазмуни моҳияти, кичик ва ўрта бизнес(КЎБ) корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг босқичлари, инновацион фаолиятни инновацион салоҳиятга боғлиқлиги. Ўзбекистонда ҳудудлар ксимида инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхона ва микрофирмаларнинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича унумдорлиги ва инновацион маҳсулотга қилинган харажатлар унумдорлиги таҳлил этилган. Ҳудудларнинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти даражасини ифодалавчи интеграл индекслар аниқланган ва шу индекслар ёрдамида ҳудудлар кесимида КЎБда инновацион фаолиятни ривожлантириш имкониятлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Кичик бизнес, ўрта бизнес, ҳудуд, инновацион маҳсулот, илмий-тадқиқот ишлар ва ишланмалар, инновация, индекс, интеграл индекс, инновацион фаолият, ҳудуднинг инновацион салоҳияти даражаси.

Аннотация: В статье анализируются экономический сушность и содержание понятий “Инновации” и “Инновационная деятельность”, этапы развитие инновационной деятельности на малых и средних предприятиях, влияние инновационного потенциала на инновационную деятельность. Анализируются в разрезе регионов производительность малых предприятий и микрофирм по производству инновационной продукции и производительность затрат на инновационную продукцию. Определены частные и интегральные индексы, характеризующие уровень потенциала регионов по производству инновационной продукции и на основе этих индексов анализируются возможности развития инновационной деятельности на МСБ в регионах.

Ключевые слова: малый бизнес, средний бизнес, регион, инновация, инновационная деятельность, научно исследовательские работы и разработки, индекс, интегральный индекс, уровень инновационного потенциала региона.

Abstract

The article analyzes the economic essence and content of the concepts of "Innovation" and "Innovative activity", stages of development of innovative activity in small and

medium-sized enterprises, the influence of innovative potential on innovative activity. The productivity of small enterprises and microfirms in the production of innovative products and the productivity of costs for innovative products are analyzed in the context of regions. Private and integral indices are defined that characterize the level of potential of regions for the production of innovative products and, based on these indices, the possibilities for the development of innovative activity in SMEs in the regions are analyzed.

Keywords: Small business, medium business, region, innovation, innovative activity, research and development, index, integral index, level of innovation potential of a region.

Кириш

Бозор муносабатларининг ривожланиши ҳар хил мулкка асосланган корхоналарнинг эркин ва тенг ҳуқуқли фаолият юритишини ва ривожланишини таъминлайди. Лекин жаҳон тажрибасидан маълумки, инновацион ғоялар генератори бўлиб, кичик бизнес корхоналари ҳисобланади, чунки бозор шароитида улар эгилувчан, бозор талабига тез мослашадиган ва тезкор қарор қабул қилиши билан, ишлаб чиқариш ва бошқарув фаолиятида вужудга келадиган янгиликларни тез қабул қилиши, ташқи ўзгаришларга чаққон мослашиши, юқори даражада ихтисослашган ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг ташкил этилганлиги билан, маблағларнинг тез айланиши ва бошқарув харажатларининг камлиги билан йирик бизнес корхоналаридан ажралиб туради.

Юқорида айтиб ўтилган хусусиятлар кичик бизнес корхоналарида инновацион фаолиятни яхши йўлга қўйиш учун катта имконият яратади. Лекин бу имкониятлардан самарали фойдаланиш, КБ корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш бир қатор ташкилий-иқтисодий масалаларни такомиллаштиришни талаб қилади. Булар инновацион инфратузилмани ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, инновацион фаолиятни ахборот билан ва молиявий таъминлаш, баҳолаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш каби масалалардир.

Мамлакатимизда 2022 йилда жами 40451615,7 млн. сўмлик инновацион маҳсулот, ишлар ва хизматлар (кейинги ўринларда инновацион маҳсулот) ишлаб чиқарилган, бу республика ЯИМининг (1066569,0 млрд. сўм) 3,8 %ини ташкил этади. КБ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ҳажми 11470102,1 млн. сўм бўлиб, у жами инновацион маҳсулотнинг 28,3 %ига тенг.

Саноат соҳасида 2022 йилда 18892 та КБ корхоналари ташкил этилган бўлиб, улар, асосан, паст технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарган¹. Хусусан, нон, қандолат, трикотаж маҳсулотлари, устки буюмлар, мебель ва темирдан тайёрланган маҳсулотлар ишлаб чиқарган; хизматлар соҳасида ошхоналар, таълим муассасалари ва юк ташиш бўйича корхоналар ташкил топган; савдода, асосан, дўконлар ташкил этилган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2022 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида индекс усули ёрдамида ҳудудларнинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятини ифодалавчи индекслар ва интеграл индекслар аниқланди. Таҳлил, синтез ва таққослама усулларида фойдаланб инновациялар классификациясининг муаллифлик ёндошуви ишлаб чиқилди, инновацион салоҳият даражасига кўра ҳудудлар тартиблаштирилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Маҳаллий олимлардан У.В. Гафуровнинг [11] ишида Ўзбекистонда инновацияларни молиявий рағбатлантиришга йўналтирилган махсус жамғармалар тузиш орқали кичик бизнесни инновацияларни амалиётга жорий қилиш фаоллигини оширишни рағбатлантириш масалалари урганилган. Отажонов [12] ишида кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришда амалга оширилган самарали инновацион лойиҳалар натижаларини амалиётга жорий қилиш каби масалалар кўрилган. Умаров., С.С.Саидкаримова., Ш.Б. Облақулова [15] ишларида саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти ва уни кўрсаткичлари урганилган, ишларида саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятининг мазмун - моҳияти, таркиби ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар урганилган. А.И. Закиров ишида [5] Россия саноати ва саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини корхоналарининг инновацион фаолият натижаларига ва инновацион фаолиятга таъсир қилувчи омиллардан фойдаланиш орқали баҳолаш масалалари урганилган. С.С. Полосков ишида [8] инновацион фаолиятни муваффақиятли олиб боришга таъсир этувчи ички ва ташқи муҳит омиллари таҳлил этилган ва уларни инновацион фаолиятга таъсирини баҳолаш масалаларига эътибор берилган. А.В.Шавель [16] ишида “Инновация”, “Инновацион фаолият” ва “Инновацион салоҳият” тушунчаларининг мазмун - моҳияти ва уларни иқтисодий инновацион ривожлантиришдаги роли очиқ берилган. Россияда инновацион тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, инновацион ривожланишни тадқиқ қилиш усуллари, инновацион салоҳиятини баҳолаш, стратегик ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш масалалари Е.В.Буланова, Н.С.Соменкова Г.Б. Ягунова ва Бакалягин [4] ишларида урганилган. В.Е. Барковская ишида [3] корхоналарнинг инновацион фаолиятини баҳолашда дисконтирланган усуллардан соф келтирилган даромад, даромадлилик даражаси (келтирилган даромадни бошланғич инвестицияга нисбати), дисконтирлашни ҳисобга олганда ўзини оқлаш кўрсаткичларидан ва статик усуллардан рентабеллик кўрсаткичи ва инвестицион қўйилмаларни ўзини оқлаш муддати кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкинлиги урганилган.

Юқоридаги хорижий олимларнинг тадқиқотлари муҳим илмий-услубий асос ҳисоблансада, уларда муайян давлатлар шароитидан келиб чиқиб тадқиқотлар олиб борилган.

Маҳаллий олимларнинг ишларида кичик бизнес корхоналарини инновацион ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш, корхоналарда инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг айрим назарий-услубий жиҳатлари тадқиқ этилган ва кичик бизнесни инновацион ривожлантиришнинг ташкилий, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, инновацион ривожланишнинг корхоналар

рақобатбардошлигига таъсирини баҳолаш масалалари, корхоналарда инновацияларни жорий қилиш орқали маҳсулотларни сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини пасайтириш масалалари умумий ҳолда ўрганилган. Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини регионлар бўйича ривожланишига ва ривожланиш омилларига етарли даражада эътибор берилмаган. Худудларнинг ривожланганлик даражаси, уларнинг иқтисодий ва инновацион салоҳияти кичик бизнес корхоналарида инновацион фаолиятни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Худудларнинг иқтисодий ва инновацион ривожланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларга ЯХМ, саноат маҳсулоти, асосий капиталга киритиладиган жами ва хорижий инвестициялар, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулоти, инновацион маҳсулот, худуднинг экспорт кўрсаткичи, худуднинг илмий-техник салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларга худуддаги жами ва хорижий ОТМлари сони, илмий-тадқиқот ишларни ва ишланмаларни бажарувчи ташкилотлар сони, инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхона ва микрофирмалар сони, технопарклар сони, ва шу кабиларни киритиш мумкин.

НАТИЖАЛАР

Ривожланган худудларда инновацион ривожланишнинг асосий шартларидан бири бўлган ОТМлари, илмий-тадқиқот олиб борувчи ташкилотлар ва инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик бизнес корхоналари ўртасида алоқаларни кучайтириш орқали худудларнинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини ошириш мумкин.

“Инновация” сўзини лотин тилидан таржима қилганда, “янгилик”, “янгилик киритиш”, “илмий ва ижобий фаолиятнинг пировард натижаси” деган маъноларни англатади.

Ижтимоий эҳтиёж инновацион ривожланишни ҳаракатга келтиради ва шу билан бирга, у инновацион фаолият билан шуғулланишига ундайдиган ички куч бўлиб ҳисобланади. Эҳтиёжнинг инновацион фаолиятга таъсири, бир томондан, мавжуд эҳтиёжлар масштабини кенгайтиради ва янги эҳтиёжларни яратишга ундайди, иккинчи томондан, эҳтиёжни қондирадиган янги истеъмол қийматлар яратилади ва бу ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатидан ўзгаришига олиб келади (янги техника, технология) ва бундай ҳолат инновацияни ифодалайди. [3].

Инновация тушунчаси билан бир қаторда, “Ихтиро” ва “Кашфиёт” тушунчалари тилга олинади. Маълумки, инновация амалиётда қўлланилади, “Кашф” қилиш илгари маълум бўлмаган янги илмий маълумот, “Ихтиро” эса янги механизмлар, инструментлар, технология, ускуна ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Шумпетернинг фикрича, агар улар бизнес томонидан амалиётда қўлланилиб, фойда келтирадиган бўлса, уларни инновацияга киритиш мумкин [17].

Й.Шумпетер ва Герхард Менш 1930 йилда илм соҳасига инновация тушунчасини киритди. Инновация – илмий-тадқиқот орқали яратилган янгиликларни янги маҳсулотда ёки хизматларда ўз ифодасининг топиши. Шундан бошлаб инновация ва унга тегишли инновацион жараён, инновацион фаолият, инновацион салоҳият тушунчалари умумназарий категорияларга айланди [17, с. 98].

Жуда кўп олимлар инновация тушунчасига ўз таърифларини берган. Олимларнинг инновация тўғрисидаги фикрларини умумлаштириб, унинг қуйидаги хусусиятларини келтирамиз:

илмий-тадқиқот фаолият натижаси бўлиб, у ўз ичига бозор талабини қондирадиган инновацион маҳсулот, хизматлар, ишларни оладиган жараён ҳисобланади; тижоратлаштириш орқали фойда олиш; кейинчалик ҳам корхоналар фаолиятида қўлланилиши ва такомиллаштирилиши.

Ҳар қандай инновация динамик нуқтаи-назардан қараганда, такрорланиб турадиган жараён. Маҳсулот, иш ва хизматлар бирламчи инновациядан ўтгандан кейин иккиламчи ... *n*-чи инновациялардан ўтиши мумкин, бунга имитацион инновация дейилади. Японияда минглаб маҳсулотлар бир неча бор янгиланади, модернизация қилинади.

Инновацион маҳсулот, инновацион жараённинг натижаси сифатида қарайдиган бўлса, унда инновацион жараён комплекс кетма-кет босқичлардан иборат бўлиб, у бозор талабини қондирадиган ёки корхонанинг амалий фаолиятида фойдаланиладиган инновацион маҳсулот ёки хизматларни ишлаб чиқишдан бошлаб, уни жорий қилиш ва сотишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади.

Япония компанияларида [20, 60 б.] инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш, истеъмолчилардан тушган норозиликлар бўйича кафолат-ремонт ишлари бажарилади ва фойдаланиш муддатидан чиққан инновацион маҳсулотни утилизация қилиш орқали қўшимча фойда олиб, ёпиқ ишлаб чиқариш циклини шакллантирган². Инновацион фаолият таркибига илмий-тадқиқот ишланмаларидан ташқари, маркетинг изланишларни, инновацияни молиялаштириш, амалга оширилган инновацион маҳсулотнинг самарадорлигини баҳолаш масалаларини киритиш инновацион фаолиятни комплекс тарзда баҳолаш ва амалга оширишни таъминлайди³

Умуман олганда, инновацион фаолият – илмий-тадқиқот ишлари натижаларини КБ корхоналарининг асосий фаолиятига жорий қилиш орқали фойда олиш, деб қараш мумкин.

Е.С. Баранова [2] фикрича, инновацион фаолият истеъмол талабини қондирадиган янги маҳсулот олиш учун инновацион салоҳиятдан амалда фойдаланиш ёки инновацион салоҳиятни инновацион фаолиятга трансформация қилиш демакдир.

Ильенковой С.Д., Гохберг С.Ю., Ягудина С.Ю. ва Мурашова Н.Л. ишларини ўрганиш асосида корхонанинг инновацион фаолияти таркиби қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Инновацион фаолият тушунчалари ва таркиби

Инновацион тушунчалар ва ИННОВАЦИОН	Мазмуни
--	---------

² Веселовский М.Я. Повышение конкурентоспособности регионального вуза в условиях экономики знаний: монография / Под редакцией М.Я. Веселовского, М.А. Измайловой. М.: Издательство «Научный консультант», 2015. -200 с.

³ Инновационный менеджмент: учебник для вузов / С.Д. Ильенкова, Л.М. Гохберг, С.Ю. Ягудин и др. -М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2016. -295 с.

Фаолият таркиби	
Инновацион фаолият	Истиқболли ва самарали илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ва коммерциализация қилиш жараёни
Ишлаб чиқаришга тайёрлаш	Янги инновацион техника, ва усқунани сотиб олиш, технологик жараёнларни, бошқарув усулларини, меҳнат шароитини, бошқарувни ташкил қилиш, хом-ашё таминотини таъминлаш
Ишлаб чиқариш	ИТТК ишлари учун кадрларни танлаш ва малакасини ошириш, тажрибали нусхасини яратиш, уни синовдан ўтказиш,
Маркетинг изланишлар	Реклама компаниясини ўтказиш, бозорни, истеъмолчиларни ўрганиш, шартномалар тузиш
Интеллектуал мулкни бошқариш тизимини шакллантириш	Патентлаштириш, лицензиялаш, савдо маркасини ишлаб чиқиш ва шу кабилар
Инновацияни лойиҳалаштириш	Техник режаларни ишлаб чиқиш, эксплуатацион характеристикаларини аниқлаш, инновацион маҳсулотни жорий қилиш, сотиш
Инновацион фаолият мониторинги	Маълумотларни йиғиш, кўрсаткичлар динамикаси таҳлили
Инновацион фаолият самарадорлигини баҳолаш	Инновацион маҳсулот яратиш жараёни, сотиш жараёнини таҳлил қилиш, инновацион фаолият самарадорлигини баҳолаш

Кичик бизнес субъектларининг инновацион салоҳияти айрим инновацион гоёларни амалга ошириш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда улар бизнес инкубатор, технопарк ёки бошқа илмий тадқиқот ташкилотларига мурожаат қилиши мумкин.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион салоҳиятга муаллиф ёндашуви шундан иборатки, кичик бизнес корхонасининг инновацион салоҳиятини нафақат корхонанинг инновацион салоҳияти, балки корхона жойлашган ҳудудда мавжуд бўлган инновацион инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишларини ва ишланмаларни бажарувчи ташкилотлар сони ҳам белгилайди: бизнес инкубатор, технопарк, илмий ташкилотлар, университетлар, технология трансфери, давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва ҳоказо. Кичик бизнес юқорида айтиб ўтилган

инновацион инфратузилма элементлари билан ҳамкорликда ишласа, унинг инновацион салоҳияти янада ортади.

КБнинг инновацион салоҳиятига яна бир ижобий таъсир қиладиган омиллардан бири ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси, деб қараш мумкин. Бу ерда асосий кўрсаткичлар бўлиб, ЯҲМ, саноат маҳсулоти, аҳоли даромадлари, жалб қилинган инвестициялар ва ҳоказо ҳисобланади. Ривожланган ҳудудларда кадрлар салоҳияти юқори, кооперация яхши ривожланган, бизнес билан инновацион инфратузилма элементлари ўртасидаги ҳамкорликни тез йўлга қўйиш мумкин, инновацион ғоялар асосини ташкил этадиган ишлаб чиқариш ва хизматларда вужудга келадиган муаммоларнинг пайдо бўлиш интенсивлиги юқори.

Республика бўйича инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи кичик корхона ва микрофирмалар сони 2022 йилда 3822 тани ташкил қилган, улар томонидан 11470102,1 млн.сўмлик инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқарилган (2-жадвал). Бу мамлакат бўйича жами ишлаб чиқарилган (40451615,7 млн.сўм) инновацион маҳсулотнинг 28,4 % га тенг. Шу йилнинг ўзида инновацияга жами бўлиб 2006108,5 млн.сўм сарфланган. Ўртача бир млн. сўмлик инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш учун республикада 174898,9 минг сўм сарфланган. Ушбу кўрсаткичларни ҳудудлар кесимида қарайдиган бўлсак.

2-жадвал

Ҳудудлар кесимида кичик бизнес корхоналарининг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (2022 йилда)

№	Ҳудудлар	Инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхона ва микрофирмалар сони (бирлик)	Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ҳажми (млн. сўм)	Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўртача инновацион товар ишлаб чиқариш унумдорлиги (Млн. сўм)	Инновацияга сарфланган харажатлар (млн. сўм)	1 млн. сўмлик инновацион маҳсулотга тўғри келадиган харажатлар (минг сўм)
	2	3	4	5	6	7
1.	Ўзбекистон Республикаси	3822	11470102,1	3001,1	2006108,5	174,9
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	72	132031,7	1833,8	26769,6	202,8
	Ҳудудлар					
3.	Андижон	79	219825,7	2782,6	175330,3	797,6
4.	Бухоро	147	310199,0	2110,2	50583,6	163,1
5.	Жиззах	63	61254,0	972,3	7904,2	129,0
6.	Қашқадарё	470	1232389,2	2622,1	193722,1	157,2
7.	Навоий	358	886711,4	2476,8	777325,5	876,6
8.	Наманган	156	151557,7	971,5	13592,0	89,7
9.	Самарқанд	140	490841,8	3506,0	16489,7	33,6
10.	Сурхондарё	214	218332,0	1020,2	58329,7	267,2
11.	Сирдарё	167	403586,0	2416,7	26809,4	66,4
12.	Тошкент	514	1053361,1	2049,3	170567,5	161,9

13.	Фарғона	305	531099,2	1741,3	73951,2	139,2
14.	Хоразм	146	452965,0	3102,5	295919,9	694,7
15.	Тошкент шаҳри	991	5325948,3	5374,3	118813,8	22,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Энг кўп инновацион фаолият юритувчи кичик корхона ва микрофирмалар сони Тошкент шаҳрига (991 та), Тошкент вилоятига (514 та), Навоий (358 та) ва Фарғона (305 та) ҳудудларига тўғри келади. Энг кам таашкилотлар сони Адиджон (79 та), Жиззах ҳудудларига (63 та) ва Қарақалпоғистон Республикасига (72 та) тўғри келади. Бир миллион сўмлик инновацион маҳсулотларга тўғри келадиган харажатларнинг энг катта миқдори Навоий вилоятига (876,6 минг сўм), Адиджон (797,6 минг сўм), Хоразм (694,7 минг сўм) ва Сурхондарё вилоятига (267,2 минг сўм) тўғри келмоқда. Бу ҳудудларда харажатларнинг юқорилигини яқинда ишга туширилган, ҳали тўлиқ қувват билан ишламайдиган ва ишга туширилаётган инновацион лойиҳаларнинг кўплиги ва мураккаблиги билан изоҳлаш мумкин. Бир бирлик инновацион маҳсулотга тўғри келадиган паст харажатлар Тошкент шаҳрига (22,3 минг сўм), Самарқанд (33,6), Сирдарё (66,4 минг сўм) ва Наманган (89,7 минг сўм) вилоятларига тўғри келади. Бу ҳудудларда, айниқса, Тошкент шаҳрида ишга туширилаётган лойиҳаларнинг нисбатан юқори самаралилиги билан ажралиб туради.

Республикада 2022 йилда илмий-тадқиқот ишларини ва ишланмаларни бажарувчи ташкилотлар сони 262 тани ташкил этган, инновацион товарлар, ишлар ва хизматларни ўз кучи билан ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар сони 4955 та, ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажми 40451615,7млн. сўмга тенг бўлган. Инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажмининг ЯИМ даги улуши 2022 йилда бор йўғи 4,5 % ни ташкил этган, 2- жалвал. Илмий-тадқиқот ишларни ва ишланмаларни бажарувчи ташкилотлар сони ва уларда яратилаётган инновацион ишланмалар сони инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришга тўғридан тўғри тасир қилади. Инновацион ишланмалар ишлаб чиқаришга жорий қилиниши ва тижоратланиши мумкин бўладиган бўлса улар инновацион маҳсулотга айланади. Шундан келиб чиқиб, ҳудудлар кесимида илмий-тадқиқот ишларини ва ишланмаларни бажарувчи ташкилотга тўғри келадиган ўртача инновацион маҳсулот миқдорини таҳлил қилиш ҳам мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ҳудудлар кесимида инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажмини, илмий-тадқиқот ишларини ва ишланмаларни бажарувчи ташкилотлар сонига бўлсак, ташкилотларнинг илмий-тадқиқот ишлари ва ишланмаларининг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича унумдорлигини ҳудудлар кесимида кўриш мумкин, (2-жадвалнинг 5-устунини 3-устунга бўлгандаги натижа, 3-жадвалнинг 2-устунида келтирилган).

3-жадвал

Ҳудудлар кесимида илмий-тадқиқот ишларини ва ишланмаларни бажарувчи, ўз кучи билан инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва

**ташкilotлар сони ва ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион
маҳсулотлар ҳажми (2022 йилда)**

№	Худудлар	Илмий-тадқиқот ишларини ва ишланмаларни бажарувчи ташкilotлар сони (бирликда)	Инновацион товарлар, ишлар ва хизматларни ўз кучи билан ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкilotлар сони (бирликда)	Ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажми (млн. сўм)	Ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажми Фоизда
1	2	3	4	5	6
1.	Ўзбекистон Республикаси	262	4955	40451615,7	100
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	15	350	233542,2	0,6
	Худудлар				
3.	Андижон	5	157	10459118,4	25,8
4.	Бухоро	12	250	1335335,2	3,3
5.	Жиззах	4	279	162448,6	0,4
6.	Қашқадарё	6	530	2025557,5	5,0
7.	Навоий	7	460	2477490,6	6,1
8.	Наманган	3	159	201022,0	0,5
9.	Самарқанд	13	162	2052916,9	5,1
10.	Сурхондарё	7	224	362408,1	0,9
11.	Сирдарё	4	172	405570,8	1,0
12.	Тошкент	16	530	1667612,5	4,1
13.	Фарғона	6	319	592676,6	1,5
14.	Хоразм	10	320	755723,5	1,9
15.	Тошкент шаҳри	154	1043	17720192,8	43,8

*) 2022 йилдан инновацион ишларни амалга оширган фермер хўжалиklarини қўшган ҳолда.

Республика бўйича ташкilotларнинг ўртача унумдорлиги 154395,5 млн.сўмга тенг (3-жадвал). Илмий-тадқиқот ишларини ва ишланмаларни бажарувчи ташкilotлар сони 5та бўлишига қарамай, ташкilotларнинг энг юқори унумдорлиги Андижон (2091823,7млн.сўм) худудига тўғри келади, демак бу ташкilotларда яратилган илмий-тадқиқот ишлар ва ишланмаларнинг ҳам унумдорлигини юқори деб айтиш мумкин.

Кейинги ўринларда Навоий (353927,2 млн.сўм), Қашқадарё (337592,9 млн.сўм) ва Самарқанд (157916,7 млн.сўм) худудлари. Юқоридаги худудлар ташкilotларининг унумдорлиги ўртача республика унумдорлигидан юқори, қолган худудларники паст. Ўртача унумдорлик кўрсаткичини Тошкент (104225,8 млн.сўм), Бухоро (111277,9 млн.сўм), Сирдарё (101392,7 млн.сўм) худудларига тўғри келади. Энг паст унумдорликни Фарғона (98779,4 млн. сўм), Хоразм (75572,2 млн. сўм), Наманган (67007,3 млн.сўм), Сурхондарё (51772,6 млн.сўм), Жиззах (40612,2 млн.сўм) худудларида ва Қарақалпоғистон Республикасида (1556,8 млн.сўм) кузатиш мумкин.

Инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкilotларнинг ҳар бирига тўғри келадиган инновацион маҳсулот миқдори ҳам корхона ва

ташкilotларнинг ҳудудлар кесимида инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўртача унумдорлигини беради. Бу кўрсаткичлар орқали ҳудудлар кесимида инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш унумдорлигини (самарвдорлигини) таҳлил қилиш мумкин, (2-жадвалнинг 5-устунини 4-устунга бўлгандаги натижа, 3-жадвалнинг 3-устунида келтирилган).

Республика бўйича корхона ва ташкilotларнинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ўртача унумдорлиги 8163,8 млн.сўмга тенг. Ҳудудлар кесимида энг юқори унумдорлик Андижон ҳудудига (66618,6 млн.сўм. Андижон вилоятида инновацияларни яратишда “Шевролет” автомобил компанияси корхоналари муҳим ўрин тутди) ва Тошкент шаҳрига (16989,6 млн. сўм) тўғри келади. Кейинги ўринда Самарқанд ҳудуди (12672,3 млн. сўм), қолган ҳудудларнинг унумдорлиги республика кўрсаткичидан паст. Энг паст унумдорликни Сурхандарё (1617,9 млн. сўм), Наманган (1264 млн. сўм), Жиззах (582,3 млн. сўм) ҳудудларида ва Қарақалпоғистон Республикасида (667,3 млн. сўм) кузатиш муумкин.

Ҳудудлар кесимида илмий-тадқиқот ишларини, ишланмаларни бажарувчи ташкilotларнинг ўртача унумдорлик индекслари ва инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкilotларнинг унумдорлик индекслари 3-жадвалдаги 2- ва 3-устунларидаги барча кўрсаткичларни ўртача республика кўрсаткичига бўлиш орқали аниқланган. Республика бўйича бу индекслари 1,0 га тенг. Илмий-тадқиқот ишларини, ишланмаларни бажарувчи ташкilotларнинг энг юқори индекси Андижон (6,8; бу ҳудудда илмий-тадқиқот ишларини, ишланмаларни инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришга трансформация бўлиши, ўртача республиканикидан 6,8 баробарга кўп), Навоий (2,3), Қашқадарё (2,2) ва Самарқанд (1,0) ҳудудларига тўғри келади. Қолган ҳудудларни индекси республика индексидан паст.

Энг паст индекси Хоразм (0,5), Сурхандарё (0,3) ва Жиззах (0,3) ҳудудларида кузатамиз. Инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкilotларнинг унумдорлиги индекси ҳам Андижонда энг юқори (8,2; бу ҳудудда инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкilotларнинг ўртача унумдорлиги, республиканикидан 8,2 баробар кўп дегани), Кейинги юқори индекс Тошкент шаҳрига (2,1) ва Самарқанд ҳудудига (1,6) тўғри келади. Қолган ҳудудларнинг индекси ўртача республика индексидан паст. Энг паст индекс Наманган, Сурхандарё, Фарғона ва Жиззах ҳудудларига (0,2) ва Қарақалпоғистон республикасига (0,1) тўғри келади.

Ҳудудларни инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятини ифодаловчи интеграл индекс 4 ва 5 устунларда келтирилган индекслар йиғиндиси билан аниқланади, 3-жадвал. Интеграл индекс ҳудудлар кесимида илмий-тадқиқот ишларини, ишланмаларни инновацион маҳсулотга трансформация бўлишини плюс инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкilotларнинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш унумдорлигини ифодалайди.

4-жадвал

Ҳудудларнинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятини ифодаловчи интеграл кўрсаткичлар

	Ҳар бир	Ҳар бир	Илмий-	Инновацио	Ҳудудларни
--	---------	---------	--------	-----------	------------

Худудлар	илмий-тадқиқот ишларини, ишланмаларни бажарувчи ташкилотга тўғри келадиган инновацион маҳсулот, млн. сўм	инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотга тўғри келадиган инновацион маҳсулот, млн. сўм	тадқиқот ишларини, ишланмаларни бажарувчи ташкилотларнинг ўртача унумдорлиги индекси	инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларнинг унумдорлиги индекси	инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти интеграл индекси (4 ва 5 устунлар йиғиндиси)
1	2	3	4	5	6
Ўзбекистон Республикаси	154395,5	8163,8	1,0	1,0	2,0
Қорақалпоғистон Республикаси	15569,5	667,3	0,1	0,1	0,2
Худудлар					
Андижон	1045911,8	66618,6	6,8	8,2	15,0
Бухоро	111277,9	5341,3	0,7	0,7	1,4
Жиззах	40612,2	582,3	0,3	0,1	0,4
Қашқадарё	337592,9	3821,8	2,2	0,5	2,7
Навоий	353927,2	5385,8	2,3	0,7	3,0
Наманган	67007,3	1264,3	0,4	0,2	0,6
Самарқанд	157916,7	12672,3	1,0	1,6	2,6
Сурхондарё	51772,6	1617,9	0,3	0,2	0,5
Сирдарё	101392,7	2358,0	0,6	0,3	0,9
Тошкент	104225,8	3146,4	0,7	0,4	1,1
Фарғона	98779,4	1857,9	0,6	0,2	0,8
Хоразм	75572,4	2361,6	0,5	0,3	0,8
Тошкент шаҳри	115066,2	16989,6	0,7	2,1	2,8

*) 4-жадвал маълумотлари 3-жадвал маълумотлари асосида аниқланган.

Қайси худудда интеграл индекс юқори бўлса ўша худуднинг инновацион салоҳияти юқори деб айтиш мумкин ва шу худудда инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш юқори бўлади. Жадвалдан кўриш мумкинки, Андижон худудининг инновацион салоҳияти жуда юқори (15,0;), бу худудда илмий-тадқиқот ишлари, ишланмаларнинг унумдорлиги ҳам ва инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларнинг унумдорлиги ҳам юқори. Кейинги ўринларда Навоий худуди (3,0), Тошкент шаҳри (2,8), Қашқадарё (2,7) ва Самарқанд (2,6) худудлари ҳисобланади. Бу худудларнинг интеграл индекси республика индексидан (2,0) юқори бўлса, қолган худудларники паст. Энг паст интеграл индексга эга худудларга Сурхондарё (0,5), Жиззах (0,4) худудларини ва Қарақалпоғистон Республикасини (0,2) киритиш мумкин. Умумлаштириб айтадиган бўлсак, худудларнинг инновацион салоҳияти худудда илмий-тадқиқот ишларни, ишланмаларни бажарувчи ташкилотларга тўғри келадиган инновацион маҳсулот ҳажми ва шу илмий-тадқиқот

ишларни ва ишланмаларни инновацион махсулотга айлантирувчи корхона ва ташкилотларга тўғри келадиган инновацион махсулот миқдори билан белгиланади.

Хулоса ва таклифлар

Ҳар қандай инновация динамик нуқтаи-назардан қараганда, такрорланиб турадиган жараён. Махсулот, иш ва хизматлар бирламчи инновациядан ўтгандан кейин иккиламчи ва ... n -чи инновациялардан ўтиши мумкин, бунга имитацион инновация дейилади. Японияда минглаб махсулотлар бир неча бор янгиланади, модернизация қилинади.

Кичик бизнес корхонасининг инновацион салоҳиятини нафақат корхонанинг инновацион салоҳияти, балки корхона жойлашган ҳудудда мавжуд бўлган инновацион инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишларини ва ишланмаларни бажарувчи ташкилотлар сони ҳам белгилайди: бизнес инкубатор, технопарк, илмий ташкилотлар, университетлар, технология трансфери, давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва ҳоказо. Кичик бизнес юқорида айтиб ўтилган инновацион инфратузилма элементлари билан ҳамкорликда ишласа, унинг инновацион салоҳияти янада ортади.

КЎБнинг инновацион салоҳиятига яна бир ижобий таъсир қиладиган омиллардан бири ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси, деб қараш мумкин. Бу ерда асосий кўрсаткичлар бўлиб, ЯҲМ, саноат махсулоти, аҳоли даромадлари, жалб қилинган инвестициялар ва ҳоказо ҳисобланади. Ривожланган ҳудудларда кадрлар салоҳияти юқори, кооперация яхши ривожланган, бизнес билан инновацион инфратузилма элементлари ўртасидаги ҳамкорликни тез йўлга қўйиш мумкин, инновацион ғоялар асосини ташкил этадиган ишлаб чиқариш ва хизматларда вужудга келадиган муаммоларнинг пайдо бўлиш интенсивлиги юқори.

Ҳудудлар кесимида илмий-тадқиқот ишларини, ишланмаларни бажарувчи ташкилотларнинг ва инновацион махсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларнинг инновацион махсулот ишлаб чиқариш бўйича унумдорликлари индекслари аниқланган ва уларнинг йиғиндиси интеграл индекс бўлиб, ҳудудларда жойлашган КЎБ корхоналарининг инновацион салоҳиятини ифодалайди. Республика бўйича бу индекслар 1,0 га тенг.

Андижон ҳудудининг интеграл инновацион салоҳияти жуда юқори (15,0); бу ҳудудда илмий-тадқиқот ишлари, ишланмаларнинг инновацион махсулот ишлаб чиқариш унумдорлиги ҳам, инновацион махсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларнинг унумдорлиги ҳам ва илмий-тадқиқот ишлари ва ишланмаларнинг инновацион махсулотга айланиши ҳам юқори. Кейинги ўринларда Навоий ҳудуди (3,0), Тошкент шаҳри (2,8), Қашқадарё (2,7) ва Самарқанд (2,6) ҳудудлари ҳисобланади. Бу ҳудудларнинг интеграл индекси республика индексидан (2,0) юқори бўлса, қолган ҳудудларники паст. Энг паст интеграл индексга эга ҳудудларга Сурхандарё (0,5), Жиззах (0,4) ҳудудларини ва Қарақалпоғистон Республикасини (0,2) киритиш мумкин. Умумлаштириб айтадиган бўлсак, ҳудудларнинг интеграл инновацион салоҳияти ҳудудда илмий-тадқиқот ишларини, ишланмаларни бажарувчи ташкилотларга тўғри келадиган инновацион махсулот ҳажми ва шу илмий-тадқиқот ишларни ва ишланмаларни инновацион махсулотга

айлантирувчи корхона ва ташкилотларга тўғри келадиган инновацион махсулот миқдори билан белгиланади. Юқори интеграл индекса эга ҳудудларда юқори технологик инновацияларни имитацион инновациялардан фойдаланиш орқали яратишни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда Тошкентдаги техник илмий-тадқиқот ташкилотларига, ривожланган давлатларда шу соҳа бўйича ишлаб нафақага чиққан йирик мутахассисларни жалб қилиш инновация соҳасида яхши натижаларга эришиш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Афонин И.В. Инновационный менеджмент и экономическая оценка реальных инвестиций. Учебное пособие. / И.В.Афонин. – М.: Гардарники, 2016. – 201 с.
2. Баранова Е.С. Экономические Науки, Вестник ЧитГУ, № 2(81), 2012 [125-128 с.].
3. Барковская В.Е. Методологические аспекты оценки инновационной деятельности малых предприятий в наукоградах / В.Е. Барковская // Вестник Астраханского государственного технического университета. Серия: Экономика. - 2020. -№3. -С. 27-4.
4. Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А. Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса. // Журнал «Вопросы инновационной экономики». Том 9. № 2. Апрель-июнь, 2020.
5. Зокиров А.И. Оценка инновационного потенциала российской промышленности / А.И. Зокиров, М.В. Владыка // экономические и гуманитарные науки. -2018. -Т. 323. - №12. -С 12-17.
6. Мурашова, Н.А. Анализ факторов, влияющих на эффективность инновационной деятельности / Н.А. Мурашова. – Текст: непосредственный // Экономика и предпринимательство. – 2020. – № 8. – С. 1016-1021.
7. Оголева Л.Н. Инновационная составляющая экономического роста / Л.Н. Оголева. -М., 2016 -278с.
8. Полосков, С.С. Влияние факторов внешней и внутренней среды на успешность инновационной деятельности предприятий / С.С. Полосков, А.В. Желтенков, Е.В. Скубрий // Вестник Московского городского педагогического университета. Серия: Экономика. – 2020. – Т. 25. – № 3. – С. 51-62.
9. Санникова И.Н. Оценка инновационного потенциала предприятия для управления развитием / И.Н. Санникова, Э.В. Татарникова // Менеджмент в России
10. Бакалягин Г.Б. Инновационные аспекты развития малого предпринимательства в современных условиях// Изд-во Типография ИП Насирддинова В.В., 2011, - 5,6 с. 3. 810.
10. Бурханов М. Формы и методы инновационного развития и оценки их влияния на рост конкурентоспособности предприятий Узбекистана // Иқтисод ва молия. – Тошкент, 2012. - № 11, -Б. 8-15 с.
11. Гафуров У.В. Инновацион ғояларни амалиётга жорий этишда кичик бизнес иштрокини фаоллаштириш // Иқтисод ва молия. - Тошкент, 2012. - № 2, - б. 17-23.

12. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда кичк бизнес субъектларининг инновацион фаолияти бошқарув механизмини такомиллаштириш.: Иқтисод фанлари номзоди. ... дисс. Автореф. – Т.: 2010. – 27 б. 10.
13. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, Т. 2022 й.
14. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, Т. 2022 й.
15. Умаров И.Ю., Саидкаримова С.С., Облаулова Ш.Б. Саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнал. № 4, июль-август, 2015 й. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali <http://iqtisodiyot.tsue.uz/journal> 189 12.
16. Шавель А.В. Сущность понятия “инновация” как экономической категории // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. www.uecs.ru
17. Шумпетер Й. Теория экономического развития; пер с немецкого. / Й. Шумпетер. -М.: Прогресс, 2016. -290 с. 61 б.
18. <http://www.innovbusiness.ru>
19. <http://www.oecd.org/sti/sti-outlook-2012-highlights.pdf>

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

